



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 6 июнь, № 112 (6295)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЭНГ УЛУФ МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАХТУ САОДАТИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган “Камолот” уйлари фойдаланишга топширилмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



Баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Президентимизнинг “...барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради”, деган сўзлари замирида ҳам айни шу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти яққол ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда пухта билим олишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидори, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбда она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида улкан чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Бундай бекиёс меҳр оғушида камолга етаётган эртаимиз эгалари илм-фан, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, санъат, спорт каби турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, Ватанимиз раҳнақига, унинг халқаро майдондаги оғури-этиборини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшапти.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, турмуш шароитини яхшилаш масаласи ҳам доимий диққат-этиборда. Бунда давлатимиз раҳба-

рининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Қолаверса, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида улкан орзулар билан оила қурган, катта ҳаёт оstonасида турган йигит-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилапти.

(Давоми 2-бетда.)

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Унга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.

### СИМПОЗИУМ

Тошкентда Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги кўмагида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг юртимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## Ўзаро алоқалар мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Чве Сонг Хо ва бошқалар Ўзбекистон ва Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик ҳамкор эканлиги, икки давлат ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби қўллаб соҳаларни қамраб олгани, томонлар ўртасида товар айирбошлаш ҳамда йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда Жанубий ко-

реялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси тўлиқ ушбу мамлакат капитал асосида тuzилган. Шунингдек, юртимизда Корея Республикасининг 79 та компанияси ваколатхоналари очилган. Давлатимиз раҳбарининг яқинда мазкур давлатга амалга оширган расмий ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаб, юқори босқичга кўтариши мумкин.

Бундан 20 йил муқаддам мамлакатимизда Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг ваколатхонаси очилгани ва самарали фаолият кўрсатиб келаётгани ўзаро муносабатларнинг ёрқин мевасидир. Агентлик кўмагида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган қўллаб янгиликлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

Пойтахтимизда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

### ҲАМКОРЛИК

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, нефть-газ, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш материал-

лари ишлаб чиқариш, фан ва технологиялар, транспорт ва транспорт-коммуникациялари, божхона, сайёҳлик, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик

ҳамда идоралари, уюшма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия хамраиси Элёр Ганиев давлатларимиз ўртасидаги алоқалар кўп йиллик тарихга эгаллиги, истиқлол йилларида у юқори босқичга кўтарилгани, пировардида ҳамкорлик қўллаб

соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Эрон Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда ушбу мамлакат инвесторлари иштирокида қарийб 120 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Экологик барқарорликнинг муҳим омили

Маълумки, сайёрамизда биологик хилма-хиллик ва табиий ресурсларнинг қисқариши давом этмоқда, чўлланиш ҳамда қурғоқчилик янада долзарб тус олаётган, иқлим ўзгаришининг фалокатли оқибатлари тобора аён бўлиб бораётди, табиий офатлар тез-тез такрорланиб, уларнинг хавфи ортмоқда. Ҳаво, сув ва

денгиз муҳитининг ифлосланиши эса миллионлаб инсонларни муносиб ҳаёт кечиришдан маҳрум қилапти.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида БМТ томонидан 1972 йилда 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида белгиланиб, тегишли декларация

ҳаётга татбиқ этилди. Унда глобал экологик муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда истиклолнинг дастлабки йилларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва

### ЖАРАЁН

уларни асраб-авайлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Конституциямизда атроф-муҳитга бўлган муносабатларни тартибга солишнинг фундаментал негизи мустаҳкамлаб қўйилди. Шу асосда ўттиздан ортқ муҳим қонунлар ҳамда юзлаб қонуности норматив ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилди, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналарида умумий қиймати

# 8,1

миллион АҚШ долларлик маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди.



## Давлат бюджети ижроси муҳокама қилинди

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси яқунлари дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Яқинда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кулай инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натияжада ялпи ички маҳсулотнинг

барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, халқ турмуш фаровонлиги янада юксалиб бормоқда. Бундан ташқари жорий йилда иқтисодиётнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда макро-иқтисодий мувозанат таъминлангани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, 2014 йил якуналарига кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9, капитал қурилиш 10,9, чакана савдо айланмаси 14,3 ва пуллик хизматлар ҳажми 11,4 фоиз ўсди.

(Давоми 3-бетда.)

## Тежамкор технологиялар — ривожланиш гарови

Бугунги жадал тараққиёт даври ҳар бир соҳада, хусусан, энергетика тизимида ҳам илғор ва тежамкор ишланмаларни амалиётга кенг жорий этишни тақозо қилмоқда. Негаки, бу табиий захираларни тежаш ҳамда самарадорликни ошириш имконини беради. Дунё микёсида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси шунда.

### АНЖУМАН

Юртимизда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар кўлами тобора ортиб бораётгани кувонаридир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги қарори биноан, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилапти.

Кеча пойтахтимизда ушбу лойиҳа доирасида бажарилган ишларнинг дастлабки якуналарига бағишланган ҳисобот тақдими бўлиб ўтди. Унда Иқтисодиёт вазирлиги, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутасаддилари, самарадор ускуна ва технологияларни қўллаётган бир қатор ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади энергия самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашдан иборат. Бунда ишлаб чиқариш субъектларига янги энергия тежамкор ускуналар сотиб олиш ёки шу йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун банклардан кредит олиш имконияти яратилди.

Лойиҳа доирасида дастлаб Жаҳон банки ҳузуридаги Халқаро тараққиёт ассоциацияси (IDA)нинг узоқ муддатли имтиёзли 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағи жалб этилган бўлиб, уни рўёбга чиқаришда “Ўзсаноат-қурилишбанк”, “Асака” банки ҳамда “Ҳамкор-банк” фаол қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва табиий ресурсларни тежаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш, энг муҳими, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилди.





# Спорт

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам барча шарт-шароитга эга замонвий иншоотлар, хусусан, спорт заллари, теннис кортлари, сув ҳавзалари, стадионлар қад ростляпти. Уларда фарзандларимиз жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиб, баркамол бўлиб вояга етмоқда.

кур жамғарма маблағлари ҳисобидан икки юзга яқин болалар спорти иншоотлари барпо этилди. 2014 йилнинг ўзида 17 объектда қурилиш ва капитал реконструкция ишлари bajarилди. Жумладан, саккизта умумтаълим мактабида спорт зали, Пастдарғом туманида ёпиқ сув спорти саройи бунёд этилди. Самарқанд шаҳри ҳамда туманларидаги болалар ва ўсмир-



Шоумрог ШАРАПОВ омон сурат.

## Баркамол авлод — юрт таянчи

борасида олиб борилаётган ишлар доирасида туман ва шаҳарларда бадий гимнастика, енгил атлетика бўйича секциялар фаолияти йўлга қўйилган. Бунинг самараси ўларок, айна пайтага келиб, ўқувчи-қизларнинг беш минг нафардан ортиги бадий гимнастика, 8 минг 300 нафарга яқини енгил атлетика, 7 минг 500 нафар мураббий кўмагида сув спортининг сузиси, синхрон сузиш, сув полони каби турлари сирларини ўрганмоқда, — дейди «Olimp» ёпиқ сув хавзаси директори Соҳиб Мамасолиев. — Бундай замонвий иншоотда шуғулланиб, чинкиб бораётган ёшлар орасидан юртимиз шарафли халқро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган моҳир спортчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

фулланиш билан бирга, турли мусобақаларни оқори савияда ўтказиш учун ҳам барча имконият яратилган. Бу ердаги бассейн 4 йўлақдан иборат бўлиб, эни 12, узунлиги эса 25 метрга тенг. — Хозирги кунда мажмуаимизда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган юзга яқин ўғил-қизлар беш нафар мураббий кўмагида сув спортининг сузиси, синхрон сузиш, сув полони каби турлари сирларини ўрганмоқда, — дейди «Olimp» ёпиқ сув хавзаси директори Соҳиб Мамасолиев. — Бундай замонвий иншоотда шуғулланиб, чинкиб бораётган ёшлар орасидан юртимиз шарафли халқро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган моҳир спортчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

**Мамадир ЗИЁДИНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Йўлланма учун бир ғалаба кифоя

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бокс бўйича яримпрофессионал (АРВ) чарм кўлоқ усталари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Унда вази 60 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида ҳамюртимиз Хуршид Тожиев ирландиялик тажрибали спортчи Жойс Дэвид Оливерга қарши рингга чиқиб, ғалабага эришди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, «АРВ» Халқаро хаваскор боксчилар уюмаси (АІВА)нинг йўналиши ҳисобланиб, у навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига кириштилган. Ушбу йўналиш уч турнирдан иборат бўлади. Унта вазн тоифасининг ҳар бирида саккиз нафардан боксчи иштирок этади. Икки турнирда зафар қучган спортчи чемпионлик унвони билан бирга, 2016 йилда Бразилияда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлади. Демак, ҳамюртимиз Рио-де-Жанейро Олимпиадаси сари илк қадамини қўйди.

**Фозлиддин АБИЛОВ.**

### ТИББИЁТ

Қарши шаҳрида «Хамшира — 2015» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи якунланди. Унда беллашувнинг туман ва шаҳар босқичларида сараланган 17 нафар тиббиёт мутахассиси бешта шарт бўйича ўзаро беллашди.

## Хамширалар танлови

Яқунда Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қаршли туғуруқ комплекси ҳамшираси Мадина Имомова биринчи ўринга муносиб кўрилди. Кейинги ўринларни Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалининг гинекология бўлими ҳамшираси Камола Амминова ва вилоят сил касалликлари диспансери ҳамшираси Нилуфар Негматова эгаллади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ВАЗИРЛИҚЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР**  
**ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ**  
**ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ**  
**ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 23 МАЙДАН 29 МАЙГАЧА БЎЛГАН**  
**МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

(Давоми. Бошланғичи 110-сонда).

#### II. Давлат реестридан чиқарилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган Дайди хайвонларни тутиш билан шуғулланувчи ҳодимларга санитария қонунларини бузганлик учун жазо жаримларидан тушадиган маблағлар ҳисобига усталарга белгиланган ҳамда уларни муқоротлаш тартиби ва шартлари (рўйхат рақами 563, 1998 йил 3 декабрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган «Норезидентлар томонидан чет эл валютасидаги тўловлар ҳисоби бўйича маълумотлар» 2-ПБ-сон статистик ҳисоб-кўрсаткичи тўлириш бўйича йўриқнома ва «Норезидентлар томонидан чет эл валютасидаги тўловлар ҳисоби бўйича маълумотлар» (корхона) 2а-ПБ-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидан консалтинг хизматларини таъминлаш бўйича қўрсатмалар (рўйхат рақами 599, 1999 йил 19 январь).

Маъмурият ҳужжатлар қончилиққа ўзгартириш қиритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилади.

### ЭЪЛОНЛАР

## Qishloq Qurilish Bank

**Юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

### Миллий валютада:

- «Кексаларга таъзим» Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
- «Кексаларни қадрлаш» Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.
- «Жасорат» Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.
- «Матонат» Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.
- «Самарали» Омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

- «Имкониёт» Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.
- Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач, тўлаб берилади.

### Хорижий валютада:

- «Percent» Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Profit» Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ доларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

### Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган

уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:



- «Мадад» Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Хонадон» Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошлангич бадал» Муддати — 1 йил.

### Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

#### Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93. www.qqb.uz

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

**«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.  
Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-26.

**«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ**  
**Сирдарё вилояти филиали**

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

1. Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сардоба тумани судининг 2013 йил 2 июлдаги 1-58/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Обод юрт маҳалласи, Шароф Рашидов кўчаси, 19-уйда жойлашган, қурилиш майдони 678,53 кв.м., фойдаланиш майдони 1992,10 кв.м.дан иборат «Ховос нур текстиль» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар кўйилмоқда.  
**Бошлангич баҳоси — 899 672 226 сўм.**

2. Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти Ҳўжалик судининг 2015 йил 17 апрелдаги 12-1505/1474-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдурахмон Жомий маҳалласи, Пахтакор кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 2588,69 кв.м., фойдаланиш майдони 2853,14 кв.м.дан иборат, «Сирдарёсувқурилиш» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар кўйилмоқда.  
**Бошлангич баҳоси — 312 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 7 июль кuni соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2015 йил 3 июль кuni соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.  
Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ**  
**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 7 июль кuni соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Яқсарой тумани СИБ томонидан 2010 йил 16 декабрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чортоқ кўчасида жойлашган, ер майдони 3350 кв.м., фойдаланиш майдони 2589 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 1 ва 3 қаватли профилакторий бинолари.  
**Бошлангич баҳоси — 1 148 264 651 сўм.**

2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2015 йил 20 февралдаги ЖСХ-1-36/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 17-квартал, Ботирма кўчасида жойлашган, ер майдони 500 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган, автомобильга техник хизмат кўрсатиш ва ювish биноси.  
**Бошлангич баҳоси — 552 927 000 сўм.**

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш қунари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кuni қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси Хирургик йўналишидаги фанлар кафедраси доценти Шоумрог Мехмоновга волидаи муҳтарамаси **Хосият МЕҲМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳачи — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5